



Оролтепа



Оролтепа, Гулжанинг кун чикиш ўзани бўлган Кунас дарёси ёкасига жойлашган бир хушманзара жойдир. Гулжадан Или дарёсининг ўнг қўлимизга олиб, кун чикишга караб юрганимизда, биринчи Корадўнг махалласи, Гулжа шахрининг кун чикиш чети, ундан кейин Жирголонг сойи - бу ерлар кўклам ойларида хушманзара, хушбўй жийда гуллари билан буркаладур. Ва ҳам Или дарёсининг бўйлари чечак отиб ям-яшил бўлганда, ҳамма учун дам олиш жойига айланади. Бу ердан Жирголонг сувига (солинган) Сотиболдибой кўпригидан ўтиб кун чикишга караб юриб Азизбектом деган кишлокка борасиз. Бундан кейин - Ўймонбойтўкай, кейин яна - Бойтўкой, ундан кейин - Кишлоктом, сўнгра Ёмоту кишлоги келади. Бу ердан сим тортилган кема билан Или дарёсининг кун чикиш томонига ўтганда дарё чап қўл томонимизда бўлиб, юкорига караб юрганимизда Тўккизторо деган кишлок шахрига борасиз. Кишлоклари хаммаси уйгур, икки томон тоғлари козок, булар чорва билан машгул. Уйгурлар дехкончилик киладурлар. Умуман олганда, Гулжа вилоятининг ерлари ниҳоятда серхосил бўлиб, кирга эккан бенам бугдойнинг бирига кирк-элликдан хосил оладурлар. Сувлик экиндан ҳам бирга 20-30 дан кам хосил олмайдурлар. Икки томон тоғлари турли хил олма, ўриклар, дўлана, малина, кулупнай ва хар хил корагатлар билан тўла ва хилма-хил лолакизгалдоклар билан ясанган тоғлар орасидан ўтган йўллар билан юриб, Гўржилга, Мўюнгузар деган жойга борганингиздан кейин олдингиз - Капчигай тоғи, бу ердан Текас дарёсининг суви чиқаду. Бундан сим тортилган кема билан ўтиб, Саримсокнинг бели билан юриб ўлтуриб Чегирбулок, бундан кейин Шўрбулок, Толди - бу ерлар кўй-моллар учун кўклов ва кишлов бўладур. Бундан кейин Чопкунинг суйидан ўтгач, Бештепа келур, бу ҳам кишлок шахри бўладур. Бундан ўтиб Теликора, ундан кейин Ўрозохуннинг сойи, бундан кейин Жовтўкай - шу йўл бўйи тоғ багри хисобсиз олмазор бўлиб, бу ерларда айиклар кўп бўлгани учун буни Жовтўкай

дерлар. Бундан кейин Оккўлтук бўлиб, бу ердан Кунас сувидин ўтиб, Оролтепага кирамиз.

Бу ер икки тоғ орасидаги текис, бағри кенг хушманзарали жой бўлиб, Кунас водийсининг бошида жойлашган. 1933-1934 йилдаги дунган инкилобига қарши дубан тарафида туриб уришган Паленовнинг оқ русларидан эллик-олтмиш уйликларига бу ердан ўлчовлик жой берилган. Бу жой Юлдуз, Кучорларга борадургон йўлнинг бўйида бўлгани учун, бу қишлоқ тез обод бўлиб, бу ерга биз ҳам дўкон қилганмиз. Оролтепанинг бош томонида Кенгсой, Чолкуда, Нарат, Саричўкки деган ерларида дехкончилик жуда яхши ҳосил беради. Руслар бол челагидан қирк-эллик килодан бол олар эдилар. Чунки Оролтепанинг четидан оқадургон Кунас суви тўқайдаги олма, ўрикларни, қиргоғидаги ҳамда тоғ бағридаги ҳар хил гуллайдургон мева ва чечакзорларни ҳамиша яшнатиб турарди. Бу жойларда яшовчилар ҳаммаси козок бўлиб, 1881 йили Гарбий Туркистондан ўтган кизай элидур. Гулжадан Оролтепага 275 км йўл, бу ердин яна кун чиқишга юриб Қўйошув ёки Тойошув билан ошиб, козок яйлови Тиёншондан Чопкуга тушиб, мундан Юлдузга бориш учун Қоракўл ёки Догутти ёки Нарати ошувлари билан ошиб борадур. Мазкур Кунас дарёсини кун чиқиш боши Саричўкки бўлиб, мундан юқорида шифобахш иссиқ сув арашони бор. Бу ерлар хушманзара Тиёншон тоғлари орасида жойлашган яйловлардур. Арашоннинг Юлдуз томони қалмоқ яйловларидур. Мазкур атрофдаги козоклар Оролтепа ерининг бир қисмига жойлашган. Паленовка посёлкасига келиб бозор қиладилар. Бу ерни оқ руслар ўз бошлиқларининг оти билан атасалар ҳам, бошқа халқлар унинг асл оти Оролтепа деган ном билан атайдилар. “Оролтепа” сўзи икки тоғ орасида текисликда пайдо бўлган қатта тепа демақдир. Бундан олдин ёзилган Бештепа ҳам худди шундай текисликда пайдо бўлган. Бу ер ҳам обод бўлиб, район маркази мазкур Бештепададур. Бу тепаларнинг сири хали маълум эмас.

Мана шу ерларда ака-ука жон сақлаганмиз. Чунки Гулжада туришимизга шароит йўқ эди. Бизларга “душман, хоин болалари” деб ном бергани учун, биздан бутун ёру-биродарлар қочар эди. Шунинг учун мени мактабдан ҳам чиқариб юборганди. Бизга фақат битта бошпана бўладургон жой Оролтепа бўлиб, шу ерда қаттиқ ҳаракат қилиб, гоҳ дўконда, гоҳ қирда, кечаю кундуз тинмай иш-ладик. Ишимизга яраша Худо берди, озни кўпайтирдик. Оролтепа атрофлари қорвачилик учун жуда мос бўлгани учун, қорва қилишга қиришиб, 150 дона новвосни ўзимизга яқин жойда турадирган бир уйлик Хамрох деган козокка боқиш учун топширдик. Боқиш хақи учун ҳар ойига бир тойинча ёки шунинг баҳосида пул оладур. Емак-ичмак учун қелишимга ибноан чой, туз, ун ёки тарик оладур. Қийим учун ёзда ёзлик, қишда қишлоқ қийим бўлиб, бу ҳақда бошқаларга қараганда бизнинг молчимиз яхши ҳақ олар эди.

Шунга яраша у ҳам ихлос билан боқар эди. Ўша йили қишдан ҳамма молимиз омон қикди. Қўқлам қелиб март ойларида ҳамма эркакларини молчимиз Хамрох ўзи боласи билан 2-3 соатдаёқ бичиб ташлади. Икки донасини саралаб олиб қолиб, ургочилар учун буқа бўлиб қолди. Натижада шу бичилган юздан ортиқ тойинчадан ҳаммаси омон-эсон 5-6 кундаёқ соғайиб қетди.

Шундай қилиб қўқламни Оролтепада ўтказиб, июнь ойларида Тойошув билан олиб тушиб, Чопку яйловида қўлбой эли яйрайдурган яйловда қоқилди. Бу яйлов Тиёншон тоғлари орасида Юлдузлардан кейин қатталиқда иккинчи яйловдур. Бу ерда ҳар қайси элнинг ўз ери бор. Масалан, тўқол, оккўзи, қўлбой, беш қўпир, абикон, дарвиш, бўрибой, сўқиртаник, буларнинг ҳаммаси кизай эди. “Кизайнинг қайсиси?” деб сўрасангиз, юқоригилардан биринияйтибжавобберадур. Мана шу Чопкуяйловиданеча минглаб йилки,

кўй, моллар бокиладур. Буларга кишда бир бог чўп ёки бир кадок ем берилмайдур. Биргина Сосон овулининг ўзидан 5 мингдан ортик йилки шу яйловда бокилади. Бундан бошқа неча минглаган кўй, хўкизлар ҳам шу яйловда бокилиб, аъло даражада семиради. Мана шундай хушманзара, атрофлари турли-туман карагай, хар хил дарахт, бел-кирлари яшил, чечак-гуллар билан копланган чаманзорларнинг ичида юриб, ўтов уй тикиб Ўтириш учун энг гўзал жойларни танлардилар. Бойлари 40-50 бия боглаб кимиз килса, камбагал 2-3 бия боглаб кимиз килар. Шунинг билан эрталабдан отланиб бир-бирларига бориб кимиз ичишадир. Яйловда шоҳу гадо бирдай, кимиз кидириб ичиш - одат, бундан ҳеч ким тортинмасдан ўтов уйига “ассалому алайкум” деб кириб, тўрга чикиб ўлтирадур. Уй эгаси таниса-танимаса дарҳол табассум билан дастурхон солиб, кўлда ишланган ёғоч катта тегана (тоғора идиш)да кимиз келтиради. Кимизни киз бола ёки келинчак куйиб, самимият билан сизга узатади. Мана шу ҳодатларни тасаввур қилиб кўринг-а! Юрган ерингиз гулчечак, чиройли табиат манзаралари билан ўралган бўлиб, унинг устига муомала шундай самимий ва гўзал бўлса, турган гапки, бундай ҳолатда соғаймаган касаллар соғайиб, пастлашиб кетган рухларингиз кўта-рилиб, инсонларга бўлган меҳру-муҳаббатингиз кўз-ғалиб, бир-бирингиз билан самимий кучоклашиб, дўст бўлиб кетасиз. Албатта, бу табиий эркинликнинг самараси бўлса керак. Мана шу осмонўпар буюк Тиёншон тоғининг сой-жилгалари ҳаммаси карагайзор бўлиб, буларнинг сойларидан кесилган карагайларни Кунас сувига тушириб, сол қилиб, Гулжага олиб борадурлар. Оролтепанинг таърифини шу ерда тўхтатиб сўзимизга қайтайлик. Оғайним фалокатдан қутулгандан кейин Оролтепага чикиб кетдим. Шу йили сўким қилиш ойида, яъни декабрь ойида ўзим билан Имомбой деган бир козок йигитни ҳамроҳ қилиб Кунас сувининг энг бош томони, Саричўкки кишлогини оралаб газмол, чой, туз, бошқа саноат молларига сўким тери айирбош қилар эдик. Охири юздан ортик сўким тери, бир оз тулки ва олмахон териларини одиб Оролтепага келдим. Бу ерда акам билан маслахатлашиб, дадамларни излаб Оксув шахрига боришга қелишдим. Кейин Турди охун акани чақириб, маслахатлашган эдик, ул одам ҳам ниҳоят хурсанд бўлди. Чунки, ҳозир сиёсат сал ўзгариб, одамлар эркинрок бўлиб қолди, деб маслахат берди. Мен Оролтепадин Гулжага йўлхат олгач, Бештепадин Оксув шахрига ҳам олиш керак эди. Бунинг учун бир одам қафил бўлиши керак. Бу ишда ўзимизнинг сирдош дўстларимиздан Хайдарали мулла менга қафил бўлиб йўлхат олиб бериб, улкан тилаклар билан дуо қилиб, йўлга солиб қўйди.

Бул қарорни олгандан бери ишим олдиға кетаберди. Рухим кўтарилиб, бу маслахатдан ниҳоятда хурсанд эдим. Ўзим ёлғиз йўлда, отлик, гоҳ чопар эдим, гоҳ елар эдим. Охири кечки кўналгуга - Қорабуранинг кемасига қелиб қўндим. Шу туни сахарда бир туш кўрибман: Қелишган, жуда ҳам хушманзара богда эканман. Карасам, дадамлар ҳам шул богнинг баландрок бир жойида турибдилар. Шу пайтда богнинг эшигини биров тақиллатиб қолди. Хабар олиш учун бог оралаб кетиб борсам, йўлимда тўла, яхши бир эшак турубдур. Дарҳол ушлаб қилиб олиб, эшикни очсам, қўшнимиз Турсунхўжа домла отлик, олдиға бир яхши семиз бўз қўй ўнғариб олган ҳолда мени кўриб соқолларини селқиллатиб, уни менга берди. Мен қўйни олиб, эшакка қилиб бокка қирғач, уйғондим. Бу тушдан қўнғлим ниҳоят хурсанд бўлган ҳолда рухим кўтарилиб, эрта намозни ўқигач, кула отимни қилиб кемадан ўтиб, Гулжага юриб кетдим. Шу қўришимда орада бир қўниб, эртаси кўналгуга эсон-омон уйға етиб, аяларим бошлиқ ҳаммалари билан қўришиб хурсанд бўлдим.

Орқамдан келадурган сўким тери босган аравалар мўлжалдаги вақтда қелмади. Мен хар

куни отимни миниб уларнинг йўлига чикар эдим. Чунки терини ҳам ҳукумат оладурган бўлиб колган экан. Беҳабар кундузи кириб келса, кўлга тушиб қолиш хавфи бор эди. Бир куни ярим кечада дарвоза тақиллаб колди, чиқиб очсам, бизнинг терини олиб келган экан, секин, ҳеч кимга кўрсатмасдан ховлига тушириб олди. Бир-икки кундан кейин “Тиёншон” ширкатининг тери оладургон Косим афгон деган одами бор эди. Шул одам маъкул баҳо билан сотиб олиб, пулимни нақд берди. Олмаҳон, тулки териларини ҳам яхши баҳога сотиб пул килдим.

Уй-ичилари билан маслаҳатлашиб, йўлга ҳозирлик қилиб, бутун сафар жамалгаларини тайёрлаб тахт қилиб қўйгач, Абдурахмон акани уйга чақириб, мақсадимизни айтдик. “Дадамларни излаб, Оксув шахрига бораман. Бунинг учун Бештепадан Оксув шахрига бориш учун йўлхат олиб тўғрилаб қўйдим. Шунинг учун менга Оксувга борадургон йўлдош топиб берсангиз” деб эдим, ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Уч-тўрт кундан кейин келиб менга хабар бердики, “Мана шу олдимиздаги шанба куни эрталаб Оксувга ишончлик, дадангизга ихлослик одамлар юрадур. Бириси - сунтоглик Салой оҳун ака, иккинчиси - Тўхта сўфининг боласи Хасан хожи, улар сизни Конда кутиб турадур”, деди. Нимага булар бирга юришдан кўркади десангиз, бизларга “душманнинг болалари” деб от қўйган. Шунинг учун одамлар биздан қочар эди. Булар ҳам мен билан Гулжадан ҳамроҳ бўлиб бирга йўлга чиқиб, Гулжадан жанубга олиб борадургон Сувошувга чиқиб йўлда тоғ бағрига жойлашган кўмир чиқадургон Кон деган қишлоқда кутиб турмокчи бўлганлар. Шул куни 1941 йил 15-январь эди. Йўлга чиқиб маросимида оила дўсти Абдурахмон ака, Қорабулоқлик Абдурасул домла, аямлар бошлик ҳаммалари дуо қилиб, оқ йўл тилаб йўлга солдилар. Мен ҳам Или дарёсидан ўтиб, қечқурун Кон қишлоғига етиб, йўлдошларимга қўшилдим.

Эртаси Конни ўрлаб, Сувошув билан юриб қечки қўналгуга - Сувошувнинг устидаги Султоннинг саройига бориб тушдик. Эрта билан яна ўрлаб ўлтуруб, икки томони баланд тоғ; оралигида сув қир-адирларни босиб, Қалмоққурада Ёқутнинг саройига бориб тушдик. “Қалмоққура” аталгусининг маъноси Қалмоқлар ибодатхонаси” демақдир. Бул Текаснинг ўртасига тўғри келадур. Текас дарёсидан 30 километрча шимолроқда жойлашган бўлиб, шул ибодатхоналарнинг ёнида бир янги шаҳарча пайдо бўлган. Бу ерда ҳам бир қўниб, Текас дарёси бўйида Фотма занги деган қалмоқнинг саройига бориб қўндик. Эртаси Текас дарёсидан Қурбонжон солган қўприк билан ўтиб, Қорасувдаги нўғайнинг саройига тушдик. Эртасига юриб ўлтуруб Шотидаги Олабойтол саройига тушдик. Шоти деган сўз ҳаммага маълум. Томга чиқадургон асбобдир. Демак, Шотидан осмони фалак Тиёншон тоғининг жанубига қараб ёрмашиш керак. Текаснинг боши Муқиржирғолондан бошлаб қарби-жанубга қараб от юришда беш-олти кун юрадур. Шу ерлар Тиёншоннинг Текас ўзани бўлиб, бу ўзан аксари текислик ерлар. Қўй-молларга қўқлов яйлов бўладур ҳам дехқончилик қиладургон тарафларида арпа-бугдой, тарик ва хусусан, индов(Қарлал (қорчица).) яхши бўладур. Қуллас, Гулжадан қиққандан бошлаб ўрлаб, беш қўниб, олтинчи қўноққа - Шотига қелдик.

Энди Тиёншоннинг баҳайбат Музот довоғига олиб борадургон икки томон осмонўпар тоғ, ўртаси ёлғизоёқ от йўли бўлиб, шул йўл билан жануб тарафга қараб юрдик. Музот довоғидан чиқиб қелган сувни ўрлаб юриб ўлтуриб, Ойнабулоққа қелдик. Буни яна бир оти - “Шотининг арашони”. Бу булоқ шифобахш иссик сувдир. Бу ердан ўрлаб Палас қарағайни босиб ўтдик. Паласқарағай дегани қетган қалин қарағайли ниҳоят қатта бел. Қарағайликнинг ярим қунчалик ерини қачмоқ тушиб қуйдириб ёмон манзара қолдирибдур. Қолган ўт тушмаган ерлари қўм-қўқ. Қечқача юриб Қоняйловга бориб

тушдик. Бу ер нихояти келишган бўлиб, мазкур Шотисойнинг юкорисидаги багри кенг, бирдан-бир хушманзара жой экан. Гарби-жануб томонида машхур Хонтангри тогининг чўккиси, уч ўркач бўлиб оппок бошини кўкка тираб, икки елкасида булутларни кўтариб, магрур холда караб турарди. Жануб томонда мангу кор-музлар билан копланган Музот чўккилари кун нурида яраклаб, йўл кўрсатиб тургандай кўринса, ундан пастрокдаги юриш йўлимизда бахайбат карагайзорлар бўлиб, шундай ажойиб кўринишлар орасида очикликда худди ясангандай Хоняйлов кулиб турарди.

Шул куни Хоняйловга кўпиб, эртаси яна ўрлаб юриб, кечга якин Тўгрисув деган жойга бориб бекатга тушдик. Биз ўрлаб келган сойнинг боши тўгри гарбга караб юкорилаб кетибдур. Биз ёкалаб юриб келган сув шул Тўгрисойдан чикиб келар экан. Кишиларнинг айтишларича, сойнинг боши Гарбий Туркистон чегараси бўлиб, илгари вақтда киргизлар шўл сойдин чикиб, Олтишахардан мол олиб келаётган савдогарларни талаб кетар эканлар. Шу Тўгрисувга борганда икки ёкдаги тоғлар жуда якинлашиб, худди тор кўчага ўхшаб колди. Сувлар ҳам озайиб колди. Тиёншон тоғларининг энг баланд тармоқларидан Хонтангри чўккилари гарби-жануброкда бўлиб, Музот чўккилари жанубда кўринар экан. Кўз олдимизда ўнг-сўлимизни ва бош томонимизни жуда баланд, бахайбат, салобатлик, улкан тоғлар дахшат солиб ўраб турар эди. Йўлдошларим: “Эндиги эрталаб мана шу жанубда кўринган сойга ёрмашамиз”, дейишди. Ул сойда кор-муздин бошка ҳеч нарса йўк эди. Кўриниши одамни кўркитиб вахимага солар эди. Эрталаб намоздан кейин, Салой охун ака туриб: “Олдимиздаги довон - Музот довонига чиқишда ҳар ким ўзига маҳкам бўлиб, от-улоқни яхши бошқариши керак, бўлмаса кор-музга кириб, хатарга йўлиқиши мумкин”, деб тайинлаб дуо килиб Музотнинг Гулжа томон огзи Айгирёл деган сойга караб турнакатор ёрмашиб юриб колдик.

Бир оз юрибкор музликларни босиб, “хай-хай” суронлар билан икки соатларда Ифорлик деган кор бўрон юрадургон ерга етиб келдик. Аммо бўрон йўк, тинчлик экан. Шу ерларда отга камчи босиб тез юрдик. Чунки бирпасда халокатли корбўрони бўлиш мумкин эди. Бу ердин уч соатларда ўтиб, тўрт кўчанинг майдонига ўхшаш жуда катта музлик майдонга чикдик. Бунди Ходамуз дерлар. Тўрт томондаги баланд тоғлар йирокдан Ходамузга караб огизларини очиб тургандай кўринадур. Бизлар гарби-жануб томон огзига караб юра бошладик. Йўлимиз ошкора эмас, чунки йўлимизда ҳеч қандай из тушмас-ва ҳам турмас. Йўлимизда ҳар музлик ёриқларининг теги йўк, шундай ёриқларга дуч келганда кичикрок ерларидин от секиртиб ўтдик. Йўлларда от-эшаклардан муз ёриқларига тушиб кетганлари кўриниб турубдур. Йўлни улоқларнинг тезагидан мўлжал килиб юрдик. Шундай манзарада олти соат юриб, Музот довонининг Оксув томон огзида музнинг устига солинган довончининг уйига келиб кўндик.

Бу ўрин афсоналардаги тилсимотларга ўхшайдур. Шул довончининг уйига келмасдан 10 километрча нарирокда ўтиб бўлмайдургон, ҳамма тарафи учма музлардан иборат бир қисанг(Тор, қисилган; қисиклик (уйгурча).) жойга Ёқуббек томонидан Гулжа томонини тўсиб, чегара мудофаа истехкоми қурилган экан.

Йўловчиларга бундан бошка йўл йўк, ҳеч қайси томондан ўтиб бўлмайдур. Шундай килиб, муз довоннинг Гулжа томон шимолий огзидан ошиб, жануб тараф огзига келдик.

Эрталаб довондин Тамгатошга тушиш учун отланиб пастга қарасак, кун нуридан нураб, жанубий огизни чўрт кесиб турган бепоён баланд учма муз жарлиқнинг лабида турибмиз. Бу ерда давридан бошлаб ота-бобосининг қасбини килиб келаётган довончи Супурги охун бўлмаса, пастга ҳеч қим тушолмас, жанубдан тепага қиколмас эди. Чунки бу тилсимот тик музлик жарнинг ёнбошидан тор кўчага ўхшатиб, бир от сикадургон

килиб ўйиб, ўртасини пиллапоя килиб тахминан 200 метрча пастга караб тушиб кетибдур. Хаммаларимиз пиллапоя устига келдик. Довончи олдимизда биримизнинг отини узун аркон билан, ўзи пастрок пиллапояда туриб, етаклаб тортар эди. Колганларимиз шу етаклаган отни юкори томон тортиб туриб икки олдинги оёғи пиллапоядин тушгач, оёғи бориб урилмасин деб, отни куйругидан оркада туриб юкорига тортар эдик. Шундай килиб, “хай-хай” сурон билан Супурги охуннинг кучи соясида хаммамиз омон-эсон Тамгатощга тушиб олдик. Тушган еримизга пастдан туриб карасак, осмонўпар тоғ огзининг кун нурида яркираб турган бепоён баланд муз жарликлари гўё “бу ёкда йўл йўк” деб тўсиб ётгандай эди. Ёки Гулжа томон куйругини тошлар билан яшириб бошини куёшга чиқариб огзидан сув отиб турган ок аждархога ўхшарди. Музот тогининг кўриниши шундай мудхиш, кўркинчали бўлгани билан ул Олтишахарга жон берадур. Тамгатощ Музот довинининг жануб тараф остида бўлиб, шу ердан тушган ерингизнинг остига якинрок бориб карасангиз, муз довинини тешиб чиккан катта сув у ердин бўкириб, баланд овоз билан отилиб чиқиб, Олтишахарга тушадургон сой бўйлаб окиб кетадур. Шул биз ошган Музот довинининг Гулжа тарафи, яъни шимол томони, Гулжадин то Музот довинига ёрмашадургон еригачалик карагайлик, яшил ўтдик, хушманзара, катта-катта кўклов-яйлов-кишлов-лардур. Аммо Музотнинг жануб тарафи мангу кор-муз, багри кип-кизил тош, у ерларда на карагай ва на яшил ўт бўлсун. Тоғ эчкилари хам шул тоғнинг рангида бўлиб кизил оладур. Тоғ каптарлари хам кизил ола. Гулжа томон тоғ эчкиларининг куйруги ок.

ТамгатощдинпастгакарабшуМузотнингсувибўйлабюриб ўлтуруб, Тугбелча деган ерга келиб кўндук. Юриш йўлимиз икки тоғнинг ўртаси, остимиз Музотнинг суви бўлиб, эртаси Туямўйиндан ўтиб, Янгибозорга келиб кўндик. Бу ердин юришда давом этиб туш мезгилида Кўргонга келдик. Бу ерда сокчи турар экан. Йўлхатларимизни кўриб, тамга босиб берди. Кўргонни Ёкуббек бадавлат курдирган бўлиб, катта чегара мудофаа кўргони экан. Икки тоғнинг ўртасини тўсиб тушган катта аскархона бўлиб, аскархонанинг сиртки кўргонининг бир учи учма жарликца окадурган Музот сувига уланган. Иккинчи томони тоғ бошига уланган бўлиб, деворлари баланд, хаммаси тошдан пухта килиб курилган. Бу ўз вақтида душман ололмайдургон кучли истехком экан. Кўргондан чикдик деган сўз - Тиёншон тогининг шимолидан ошиб, жанубий огзидан чикдик деган сўз. Кўргондан пастга караб ёйилиб кетган адирсимон тоғ Гулжадин боришда ўнг томонда колар экан. Улар пастрок бўлиб, Учтурфон тоғларига улашиб кетган. Мазкур тоғлар Оксув шахри шимол тарафига тўгри келиб, Оксув моллари учун яйлов бўлур. Кўргондин чиқиб, Кизилбулок деган жойда кўндик. Бу ерлар адирсимон текислик бўлиб Оксувга боргунча пастлик экан. Эртаси Кизилбулокдин чиқиб кичик-кичик бузилган иморатларга ўхшаган кип-кизил тоғчаларни оралаб ўтиб, Овот (Обод) деган ерда кўндик. Энди на адир, на тоғ бор эди. Туп-туз шўртанг ерларни босиб, Жомга бориб тушдик. Бул обод ер кичикрок шахарча экан. Атрофи кенг, окарсувлик. Шу киш пайтида хам кишлик ковунлари ниҳояти мўл, ширин экан. Бу ерда бир кўниб, йўлимизда давом этдик. Оксув кўхна шахардаги Абдушукур хожи саройига бориб тушдик. Шундай килиб, Гулжадин Оксув шахрига Тиёншон тогининг шимолидан жанубга 13 кунда ошиб тушдик. Оксув шахри бир жарликка ўхшаш чуқурликда жой-лашган, аммо атрофлари кенг, дехкончилик ва чорвачилик анча ривожланган. Оксувнинг гуручи ниҳояти машхурдир. Шахар одамлари рухсиз, кўплари бўқок, сертажанг, аксарияти мажрух, ожиз кўринадур. Аммо шундай сиртга чиксангиз, одамлари соглом-бакувватдир. Бу иш шахардаги сувдан дейдурлар. Чунки шахар халкининг тамоми булок суви ичар экан.

Шу кўхна шаҳардин 12 километрча жануброкда Осик (Осук) деган янги шаҳар бор. Бу ерда, яъни шул янги шаҳарда бутун ҳукумат идоралари, аскархона ва телеграфхоналар жойлашган бўлиб, шаҳарнинг атрофи баланд сапил билан ўралган. Ва атрофи хандак килинган мустаҳкам шаҳардир. Оксув кўхна шаҳарда шанба бозор бўладур. Янги шаҳар Осикда пайшанба бозор. Мен би-лан борган йўлдошларимдан бири Кашкарга утиб кетди. Сарيوخун ака Оксувда қўй олиб йигиб, Учтурфон чегарасига олиб бориб, советга ўтказиб газмол ва бошка саноат моллари олар эди. Бошка одамлар гулжабоп моллар олиб, Гулжага юргизар эди. Мен ҳам мол оламан деб, бир хафтани ўтказдим. Кейин пайшанба бозорга бир канча савдогарлар билан бориб бозор оралаб келдик. Улар мол излар эдилар. Мен каерда ҳукумат идоралари бор, шуни уларга билдирмай сўрар эдим. Кейин уларни адаштириб, ўзим шаҳар ичига кирдим. Суриштириб юриб Бош сокчи идорасини топдим. Карасам, эшигининг олдида курол ушлаб бир уйгур сокчи йигит турадур. Бир йўл шул эшикка караб ўтдим. Яна айланиб ўтиб эдим, сокчи мени олдига чакириб: “Нима караб юрибсиз?” деб сўраб кетди. Мен ростини айтиб эрдим, кейин ул дедик: “Ундай бўлса, шу ерда бир маълумот ёзиб менга беринг, мен ичкарига олиб кириб бераман.” Мен ўша ерда ўлтириб, бир варақ коғозга шундай деб ёздим: “Мен Асилхон Алихонтўра ўғли, ўзим Гулжаданман, отам Алихонтўрани Кучор шаҳрида ҳукумат томонидан 1938 йили куз ойларида қўлга олиб, Оксув шаҳарига олиб келган экан. Шундан бери хабари йўқ. Шул отамни каерда эканини билишга келдим. Хозир мен Оксув кўхна шаҳар, Абдушукур хожи саройида тураман”, деб ёздим.

Сокчи хатни ичкарига олиб кириб бериб, қайтиб чиқди. Орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас ичкаридан бир поручик(Поручик - кичик лейтенант.) уйгур йигит чиқиб, мени очик юз билан бошлаб олиб, ичкарига кирди. Кейин мендин: “Алихонтўра домлам хожимнинг сиздан бошка болалари ҳам борми?” деб сўраб кетди. Мен: “Бор бўлгони билан бизга карамайдур, бошка бўлиб кетган”, деб жавоб бердим. Менга очик чехра билан караб: “Ундай бўлса, худди шу хатга ўхшаш бир хат ёзиб, шул кўчанинг оркасида бир катта кизил дарвоза бор. Ўша ерга бориб топширсангиз, улар хабар беради”, деб ниҳоят силлик гаплар билан муомала қилиб, мени йўлга солди.

Бундан хурсанд бўлиб чопа-чопа борсам, шу кўчанинг оркасида сапилнинг тубида бир катта ўринни турма қилган экан. Шул ўринга борадургон ён кўчани бошига бир дарвоза қуриб тўсиб олибдур. Шу дарвозага қирган эдим, икки юздин ортик турли жинсдаги одамлар, ёш болалар, аксариси хотинлар, қирғизлар қўлларида озми-кўпми турмага олиб келган овқатларини ушлаб, тўрдаги дарвозанинг кичик тешигига караб тизилиб, интизорлик билан навбат кутиб турибдурлар. Бу оломон мени кўргач, ўраб олиб, каердан, нимага келганимни, кимдан хабар олишимни суриштириб сўрар эдилар. Мендан: “Каердан келдингиз?” деб бир қари аёл сўради, мен “Гулжадан десам, бу аёл менга караб дуо қилиб: “Худодан ўғилни нимага сурайдур, мана шундай узок ердан дадасидан хабар олгани қелибдур, биз ожизларнинг қўлидан нима келадур?” деб йиглар эди.

Мен навбатни сабрсизлик билан кутар эдим. Шул орада тешик очилиб, овқат олаётган уйгур йигитнинг кўзи менга тушиш билан ўзимни ўша ёкка уриб бориб, қўлимдаги хатни сунган эдим, бу йигит бутун одамларни нари қилиб, мени олдига яқин чакириб, бутун бош-оёғимга тикилиб караб чиқди-да, кейин хаяжонли бир оҳанг билан: “Сиз Алихон домла хожимни ўғли! Шундай дададин хабар оламдигон, шундай дадаси бор одам беҳабар бўлиб кетамду?” деб қойиб турганда ёнига бир аскар йигит қелиб қолди. Унга мени кўрсатиб: “Домлам хожимнинг ўғли Гулжадан қелибдур” деган эди, у йигит: “Суюнчи оламан” деб ичкарига югурди. “Омон” деган сўз менга шу пайтда нақадар

кувончли эканини калам билан тасвирлаш мумкин эмас.

Шу ердан югурганимча бозорга чикиб, кўзимга кўринган нарсаларни олиб 25 танга акча билан кўшиб берган эдим, овкат кабул килувчи роса хурсанд бўлиб олиб, бир кўл аравага солиб кириб кетди. Кейин бир оз кутиб туриб эрдим, шу ердаги оломон мени ўраб олиб, хар кайсиси хар хил саволлар сўради. Шул вақтда ҳамма “дурр” килиб, икки томонга бўлиниб ўрталаридин йўл бўшатиб, эшик томонга караб тавозе билан турар эдилар. Оркамга кайрилиб карасам, бир майор уйгур йигит бир кўли оркасида, ҳеч кимга карамай, мен томонга юриб келарди. Мен ҳам ўрнимдан кўзгалиб ўзимни ростлаб турдим. Кейин менга келиб саломлашиб колди. Мен ҳам шошилишч кўлларимни берган эдим, ул йигит мендин хол-ахвол сўраб, кейин шундай деди: “Сиз дадам шу ерда деб бизнинг сўзимиз билан бир нарсаларни бердингиз, аммо кўнглингизда ростдан ҳам дадам шу ердаму, йўкму деган бир хиёл келиб, кўнглингизни хотиржам килмайдур. Шунинг учун сизни ишонтириб хотиржам килишга, мана шу нарсаларни олиб чикдим”, деб кўлини оркасидан олиб менга кийимларини кўрсатиб: “Танийсизми?” деган эди, карасам, дадамлар кочиб юрганларида тиктириб берган козокча четик(Енгил этик.), яна бири ялангпешмат камзуллари, кўп жойларига ямок тушибдур. Четик, юрмаганлари учун, йиртилмай ранги кетган экан. Буларни кўриб ўзимни тутолмай хаяжонланиб, йиглаб кетдим. Кейин у йигит: “Сизни хурсанд киламан дап кўрсатсам, йигловотисиз”(Уйгур шевасида.) деб, менга тасалли бериб кириб кетди.

Унғачалик бизнинг Салойохун ака оламини молам килиб, бутун йўлдошларни хар тарафга чоптириб, мени кидирмаган ерлари колмабдур. Отимнинг оркасига бояги олган намуналаримни бўктариб, бир кўчадан от чоптириб чикаётган эдим, мени излаганларга дуч келиб колдим. Улар менга: “Каерда юрибсиз?” деган эдилар, мен: “Излаган молимни топдим” дедим. “Кани, кандай мол, кўрайлик” дейишганди, “Салойохун ака олдиға борганда кўрсатаман”, дедим. Саройға етиб борган эдик, Салойохун ака мени тергаб: “Каерда колдингиз?” деган эди, “Мен излаган молимни топдим” деб, отимнинг бўктаргасидан дадамлардан чиккан намуналарни олиб кўрсатган эдим, ҳамма тикилган кўзлар тубдан ўзгариб, бирданиға менинг кўзимга карашди. Инсонлар хаётида энг кувончли пайтда тўкиладургон кайнок ёшни менинг кўзимда кўришиб, улар ҳам беихтиёр йиглашиб кетди. Гулжадан чикканимга бир ойча бўлса ҳам, шунғачалик йўлдошларимга ҳеч кандай сир бермаган эдим. Бундан ҳамрохларим анча таъсирланиб сўзладилар. Менинг хакикий кувончим уларни ҳам суюнтирди.

Сўнгра, дархол Гулжаға суюнчи хабар ёзиб юбордим, хат мазмуни. “Гулжадин чикиб Оксугға ўн уч кунда эсон-омон етиб бориб, Абдушукур хожи саройида Салойохун ака билан бир хужрада яхши турибман, Абдулла охун омон-эсон эканлар. Якин кунларда бу одам билан кўришиб ҳам коларман. Бухушхабарни дўстларимизға айтиб, дуо килиб туринглар. Апрель байрамидан кейин, Худо хохдаса, Абдулла охун билан бирға бориб колсак ажаб эмас. Омин. Ёзувчи ўглингиз Асилхон.” Бул хатим бизнинг оиламиз хаётида чексиз, зўр кувончли воқеа эди. Мен дадамларнинг омон-эсонликларидан хабар килиб, уларни севинтирдим. Вахоланки жондин азиз отамизнинг сог-саломатлик хабарини биринчи эшитган киши “Булерда йўк эканлар” деган ниҳояти совук сўзни ҳам эшитиши мумкин эди. Танграмнинг меҳрибонлигининг “омон-эсон” деган улуг суюнчи хабарни эшитдилар. Мана шул пайтни кандай килиб тасвирлашни худди шундай холға мушарраф булганлардан сўранг. Шул кезде таъсирчан инсонларнинг хис-туйғулари ўзларининг кайнок юракларидан нима-ларни юлиболиб ташлаб, нималарни ўрнатишини эсласак, яна келиб хаётнинг улуглигини биласиз.

Дадамларнинг Оксув турмасида эканлиги, бу ердаги мен билан муносабатлик одамларнинг хаммасига маълум-ошкор бўлгандан кейин ҳам хужрам Салойохун ака билан бирга юриб дадамларга бошкатдан бош-оёк, кўрпа-тўшак, кийгиз ва хуржун, човгун, коса, пиёла, хуллас, турмага нима керак бўлса, хаммасини бир хафтагача жойлаб, хафтанинг душанба кунига тайёрлаб, Осукка Шорахим аканинг ўгли Шоиноят билан бирга олиб чикиб, бояги кўпчилик камокхонага овкат олиб келган одамлар билан навбат кутиб турган эдик, таниш уйгур йигит бизни навбатдан ташкари ўзининг олдида чакириб, ниҳоятда самимий сўзлар билан бизни хурсанд қилиб, олиб борган нарсаларимизни тешик орқали олиб: “Ха, дуруст, неча йилдан келмаганинг хиссасини чиқарай дебсиз-да. Сиз олиб келган нарсангизнинг ўзи бир арава бўлди”, деб хурсанд бўлиб олиб кириб кетди.

Бундай яхши қиликлари бизни хайратга солар эди. Чунки Гулжада бундай ўринларда тургувчилар яхши муомала қилмас, ҳақоратлар, ҳар сўзларида илон-чаён бўлиб чакиб, борган хотин-болаларни қон йиглатиб, сўкиб ҳайдар эди. Шу йўсинда хабар олиб турдим. Ўзимга ўхшашлардан Кодир хожи деган бир одам билан биргалашиб, овкат қилиб қирғизиб турдим.

Бир кун шериғим билан хабар олишга борсак, дадамларни бир қанча маҳбуслар билан бирга 12-апрель байрамига кўчага арча билан ўралган дарвоза (“чожанг”) қуришга олиб чиққан экан. Ишлаётган жойларидан Кодир хожи билан бирга ўтдик. Хожи ўглини кўриб қилиб: “Ана Муҳаммад!” деб йиглаб олдидан ўтди. Мен шунча зехн қўйиб қарасам ҳам дадамларни пайқай олмадим. Лекин маҳбусларнинг орасида бир киши ниҳоят банд бўлиб, кўзларини ишдан олмасди. Ҳаракатлари дадамларга ўхшаб турубдур. Аммо сиртки, уст-бош кўринишлари тубдан ўзгариб кетибди. Агар кўзга-кўз тушмаса, одам ўхшатишга ишониб бўлмас экан. Шул орада бир тўп мактаб болалари қўлларида дутор, танбурлар билан дадамлар иш қилиб турган кўчанинг олдида тўхтаб, байрам ташвиқоти қила бошлади. Ўшанда дадамлар билан кўзга кўз тушиб, таниб, саломлашиб йигладим. Отамиз оломондан фойдаланиб, уй-ичи, болаларни, бирма-бир фалони омонми?” деб сўрар эдилар. Мен: “Хаммалари омон тўрткўз тугалмиз”, деб бақириб жавоб берардим. Кейин мен яқинроқ бораё деса, дадамлар қўллари билан “яқин келма ишоратини қилдилар. Қарасам, сал нарида аскар қузатиб турган экан.

Мана шу вақтда 40-50 аравада қирғизлар кўчадан ўта бошладилар. Улар аравада туриб отамиз билан бақиршиб хайрлашар эдилар. Дадамлар улар билан хайрлаша туриб, менга “Мана булар - чиқиб кетаётганлар” деб, ўша қирғизларни кўрсатар эдилар. Шул кун дадамлар шериклари билан хаммалари ишдан бўшаб турмага қайтишларига бир катта танглида (Тангли (уйғ.) - таги чуқур ош идиши; лаган.) ош қирғизиб бердим. Кейин ҳалиги дадамлар билан хайрлашиб қамокдан чиқиб кетаётган қирғизлар билан кўришган эдим, шулардан Жаъфар хожи деган одам: “Бизни бу ерга Худо олиб келган экан, биз мусулмон бўлмай қолган эканмиз, бизни отанг бошкатдан мусулмон қилди”, деб йиглар эди. Мен қим қамокдан чиққан бўлса, улар билан кўришиб, дадамларнинг ахволларини сўрар эдим. Улар дадамларни ҳар қандай қийинчиликларда ҳам одамларга яхши йўлларни, имон-исломни ўргатганларини айтиб, олқишлар эдилар. Қамокхонага излаб келганимни кўрган соқчи аскарлар мени яхши таърифимни қилиб, дадамлардан суюнчи олишибдур. Улар ҳам ислом йўлига тушуниб, дадамларга ихлос қилиб, қайси йўл билан бўлса ҳам яхшилик қилишни ўйлаб қолган эканлар. Мана шундай қийинчилик ўринда хизматчиларни дадамларга марҳаматлик қилган улуг Танғрим эмасми? Албатта, Гулжадан қозимлардан қочиб Қучорда ушланиб, Оксув қамокхонасида ётганлари ҳам

Танграмнинг хикматли мархаматлари бўлди. Чунки, Урумчига олиб кетганлардан кўп одам саломат кайтмади.

Шундай килиб, кўришган киргизларнинг ичида Ше-рали деган учтурфонлик йигит бўлиб, у ҳам дадамлар билан камокда бўлган экан. Ул турмадан чикиб, Осукда тирикчилик килиб қолибдур. Дадамларнинг саргу-заштларидан хабардор экан. Улайтдики: “Ким Осукнинг камокхонасидан чикса, биринчи бўлиб, бу ерга келадур. Чунки турмадан чиккан ерлик бўлмаган одамларни ҳукумат шул бозордаги саройга олиб келиб ташлайдур”. “Ундай бўлса дадамлар ҳам чиксалар, шул ерга олиб чиқар экан-да” десам, “Албатта шундай, Абдулла охун чикса, ўзим кўхна шаҳардаги сен ётган саройга олиб бориб, суюнчини катта оламан” деди. “Суюнчи сиздан айлансин” деб хурсанд бўлар эдим. Энг охири биз кутган 12-апрель байрами ҳам келди. Шунгачалик анча одамларни чиқарди. Аммо дадамлардан дарак йўқ. Бу орада бизни Оксукда турадургон ортушлик Содик хожи уйига чакириб, зиёфат килди. Шунда ул одам айтдики: “Мен кеча сокчи идорасининг савдо бўлимига кирган эдим, у ерда сўз бўлиб қолди. Урумчига яна 19 нафар одамнинг тизимини юборибдур, ичида дадангиз ҳам бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун яна 10-15 кун сабр килиб турунг. Ажаб эмас, шул тизимда чикиб қолсалар”, деб менга анча яхши гаплар айтиб, кўнглимга қувват, ўзимга ишонч берди.

Шундай килиб, олдиндаги қувончли кунларни инти-зорлик билан кутардим. Бир куни бозорга харажат қилиш учун кетсам, саройга бир киргиз йигит келиб Салой охундан “Асилхон қани?” деб сўрабди. Салой охун “Асилхонни нима қиласан? деган экан: “Мен Қунасан келдим, ақаси пул бериб юборган эди. Пулни ўз қўлига топширишим керак. Хозир бўлмаса, бир соатдан кейин келаман. Агар мен келганда Асилхон йўқ бўлса, пулни Учтурфондан оладур. Чунки менинг вақтим зик”, дебди Салой охун ака “Ундай бўлса, менга бериб қўй” деса, “Йўқ ўз қўлига бераман” деб, унамай чикиб кетадур. Мен келсам Салойохун ака мени кўра солиб у ёқ-бу ёққа шошилиш кўз ташлаб, “Қаёққа кетди хозирги киргиз?” деб, менга “Тезда қўчани қаранг” деди. Қўчага югуриб чиксам бизнинг юкоримиздаги бакколнинг дўқони олдиға менга таниш Шерали у ёқ-бу ёққа қараб турибдур. Унга қараб югурдим. Ул ҳам мени қўриб, мен томонга илдам югуриб келди. Юришлари, юз-қўзига қараб у менга бир қувончли хабар олиб келди деб югурганимча бориб саломлашиб, қўлини ушлаб, энтиккан овоз билан шошиб: “Қалай, хушхабар борми?” десам, “Абдулла охун чикди, қани суюнчи!” деб эди, қувончимдан ёнимда бўлган ақчани “Мана суюнчи!” деб ушлатдим. Берган суюнчим бир отнинг пулидан кам эмас эди. Ул ҳам ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Унгача Салой охун ака югуриб келиб: “Нима гап?” деб эди, мен: “Хушхабар, дадамлар чикибдур” деб эдим, “Ким айтди?” деб аланглаб сўради. “Мана бу одам-да, боя мени излаб келган киргиз” деб йигитни кўрсатган эдим, “Мана шуму?” деб унга қараб: “Менга бошқа гап қилган эдинг. Энди ундан ҳам яхши гап қилибсан. Илоҳим айтганинг рост бўлсин”, деб хурсанд бўлиб: “Ундай бўлса, мен хужрани ростлай” деб, Салойохун ака югуриб саройга кетди.

Мени Шерали бошлаб, бозордаги саройга олиб бориб, “Шу ерда” деб бир хужрани кўрсатди. Кирсак, дадамлар хужрада йўқлар. Юқларини қўриб танидим. Шерали “Ёриклик қаерда мачит бўлса қириб олар эди. Мачит борми?” деб саройбондан сўраган эди. “Мана мачит” деб саройнинг орқасини кўрсатди. Мачитга бориб қарасак, намоз ўқиётган эканлар. Биз ҳам кутиб турдик. Мачитдан чикиб қелишларига югуриб бориб қучоқлашиб қўришиб, омон-эсонликларини сўрашиб, суюнганимдан йиглаб юборган эдим, дадамлар, “Йиглама, ўғлим”, деб мени босдилар. Кейин отамизни усти ёпик аравага ўтиргизиб, Абдушукур хожи саройига келиб тушдик. Шундай килиб, Худодин

кечаю-кундуз сўраган максадимиз хосил бўлиб, жондин азиз кўргувчи отамиз омон-эсон Худонинг мархамати билан золим хитой ҳукуматининг мудхиш камокхонасидан 1941 йили 22-апрель шанба куни кутулдилар.

Унгачалик Салой охун ака, саройбон Исмоил халфатлар пешвоз чикиб, дадамлар билан хар кайсилари йиглашиб кўришиб, хужрага бошладилар. Кейин хар тарафдан эшитган одамлар тўп-тўп бўлиб келиб, дадамлар билан кўришиб кетар эдилар. Эртасига Оксув шахрининг диний бошликларидан Махцум домла ва Аббос домлалар бошлик шахарнинг муносиб одамлари келдилар. Бир неча кун шундай ахвол бўлиб, дадамларни ҳеч қўйиб беришмас эди. Отамиз билан камокда бирга ётган, ўзи оксувлик Ахмад сокол деган одам қўймасдан, уйига чакириб зиёфат килди. Ва яна Кодирхон деган одам ҳам камокда бирга бўлганлардан экан. Ул ҳам қўймай уйига олиб борди. Шу ахволда бир неча кун Оксувда туришга тўгри келди. Гулжага юриш харакатини ҳам килиб турдик. Отамизга бир от олиш керак эди. Буни Махдум домла эшитиб, “Менда бир от бор, шуни тутдим (яъни, атадим - ред.)” деб туриб олдилар. Кейин холислар бахоси билан 200 танга бериб отни олдик. Махдум домла, Аббос домлалар дадамлар билан Бухорода кўришиб танишган эканлар.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобида